

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**СОБИРОВА МАХМУДАХОН НЕМАТЖОН ҚИЗИ**

**БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ КАСБИЙ  
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (педагогика фанлари)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган - 2022**

УДК: 373.3.091 (571.1)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Собирова Махмудахон Нематжон қизи**

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий компетентлигини  
ривожлантириш..... 3

**Собирова Махмудахон Нематжон қизи**

Развитие профессиональных компетенций будущего учителя начальных  
классов..... 23

**Sobirova Makhmudakhon Nematjon kizi**

Development of professional competencies of the future primary school  
teacher ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....47

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**СОБИРОВА МАХМУДАХОН НЕМАТЖОН ҚИЗИ**

**БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ КАСБИЙ  
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (педагогика фанлари)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган - 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Ped1394 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.namdu.uz](http://www.namdu.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Абдуллаева Барно Сайфутдиновна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Асқарова Ўғилой Мамашокировна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Сафарова Роҳат Ғайбуллаевна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Жиззах давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 18 март соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-06-12; факс: (+99869) 227-07-61; e-mail: [info@namdu.uz](mailto:info@namdu.uz).)

Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (708 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-29-81.)

Диссертация автореферати 2022 йил 5 март куни тарқатилди.  
(2022 йил 5 мартдаги 16 рақамли реестр баённомаси).

**Т.Файзуллаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

**Ш.К.Хўжамбердиева**

Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш илмий котиби, педагогика фанлари  
бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**К.М.Боймирзаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш ҳузуридаги Илмий  
семинар раиси, г.ф.д. (DSc), доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда таълим тизимида бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг креатив технологиялари амалиётга тадбиқ этилмоқда. “Сорбон” декларацияси (Sorbonne Declaration), “Таълим барча учун” (Education For All (EFA)), “Минг йиллик ривожланиш мақсадлари” (Millennium Development Goals (MDGs)), “Жаҳон таълим форуми” (World Education Forum) ва “Лиссабон” Конвенциялари асосида малакали ижодкор кадрлар тайёрлашнинг асосий йўналишларини белгилаш, талабаларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш, дидактик, креатив, интегратив, ижодий, касбий билимлардан самарали фойдаланиш технологияларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Жаҳон олий таълим муассасалари талабаларининг касбий компетентлигини ривожлантириш, касбий компетентликнинг мазмуни, тизимли тарзда ташкил этишнинг методикасини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Касбий компетентликни такомиллаштириш моделларининг самарадорлигини ошириш, инновацион методикалар ҳамда электрон таълим ресурслари асосида ташкил этиш, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантирувчи таълим жараёнини ташкил этишга йўналтирилган педагогик имкониятларни аниқлаш бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда умумий ўрта таълим тизими ривожланишининг замонавий босқичида бошланғич таълимнинг янги шахсга йўналтирилган моделини яратиш, динамик жиҳатдан ўзгариб бораётган мактаб учун касбий вазифаларни мустақил ва ижодий ҳал этадиган, турли вазиятларда билим ва педагогик кўникмаларни интеграциялай олувчи, ижодий ва касбий ўзини ўзи такомиллаштиришга тайёр компетент мутахассисларни тайёрлашнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари ятарилмоқда. “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”<sup>1</sup> устувор вазифа этиб белгиланди. Бу бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш имкониятларини кенгайтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сон “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” фармони.

ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бўлажак ўқитувчиларни касбий-педагогик тайёрлашнинг турли муаммолари бўйича Б.С.Абдуллаева, Р.Х.Джураев, У.И.Иноятов, Н.А.Муслимов, Х.Ф.Рашидов, Ў.Қ.Толипов, Ш.С.Шарипов, З.К.Исмаилова, Қ.Т.Олимов, Н.Ш.Рузикулова, М.И.Ташпулатова, М.Б.Уразова, Ж.А.Ҳамидов, Д.О.Химматалиевлар; умумтаълим мактабларининг юқори синф она тили дарсларида ўқувчиларнинг билимларини ривожлантириш масалалари бўйича Р.Г.Сафарова, У.Машариповалар тадқиқотлар олиб боришган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстилиги мамлакатларидан О.А.Абдулина, Е.М.Борисова, Э.Ф.Зеер, И.А.Зимняя, Н.В.Кузьмина, М.И.Лукьянова, А.С.Маркова, С.Н.Мироненко, В.А.Сластенинлар касбий компетентликни шакллантириш ҳамда ривожлантиришда педагогик технологияларни қўллаш, бўйича тадқиқот ишларини амалга оширганлар.

Хорижий мамлакатлар олимларидан Г.Спенсер, В.Вlum, Р.Мohanларнинг тадқиқотларида таълимда ижодкорлик, педагогларнинг касбий салоҳиятини ривожлантириш, компетентлик масалалари, касбий-педагогик етуклик муаммолари, педагогик дастурий воситалардан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириш ҳамда ривожлантириш назарияси ва амалий йўналишларига алоҳида эътибор қаратилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Андижон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф1-17 “Маънавий бегоналашувнинг олдини олишда шахс фаоллигини ижтимоий-педагогик тадқиқ этиш” мавзусидаги комплекс тадқиқот доирасида бажарилган (2017-2020 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантириш структурасининг педагогик имкониятларини таҳлил этиш;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг методик таъминотини такомиллаштириш;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг она тили ўқитиш методикаси дарслари жараёнида касбий компетентлигини ривожлантиришнинг инновацион-ахборот муҳитини такомиллаштириш;

талабалар умумкасбий кўникма ва малакаларини ривожлантириш механизмини касбий ва шахсий сифатлар, психологик, диагностик даражалаш асосида такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантириш жараёни олинган бўлиб, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика Университети, Наманган давлат университети, Андижон давлат университетларидан жами 300 нафар талабалар жалб қилинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси касбий компетентлигини ривожлантириш жараёнларининг мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот давомида қўйилган мақсадга эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал этишда қуйидаги методлардан: соҳага доир психологик-педагогик, илмий-методик адабиётларни қиёсий ҳамда танқидий ўрганиш ва таҳлил этиш, ижтимоий-педагогик (кузатиш, тест, сўровнома, суҳбат), тажриба-синов, натижаларни математик-статистик қайта ишлаш каби усуллар мажмуидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантириш структураси таълим мазмуни ва сифатига қўйиладиган малака талаблари ҳамда ижодий қайта ишлаш малакаларидан ташкил топган методик компетентликни киритиш орқали ривожлантирилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси касбий компетентлигини ривожлантиришнинг методик таъминоти касбий фаолиятга йўналтирилган информацион ва аналитик мезонларини интеграл-диагностик элементлар натижаларини ташхис этиш шакллари билан интерактив моделлаштириш имкониятлари ҳамда амалий-технологик хусусиятлари уйғунлик кўрсаткичларини такрорий қайта алоқага киришув даражасини ҳисобга олиш асосида такомиллаштирилган;

таълимда дидактик-коммуникатив муҳитга асосланган диалог мазмуни адаптив даражада ва шахсий функцияларни интеграциялаш ва узлуксизлигини таъминлашга имконият яратувчи инновацион-ахборот муҳитини индивидуал таълим дастурларини яратиш ҳамда таянч технологик ўқитиш воситалари комплексини педагогик амалиётда ўзаро трансформациялашувини самарали қўллаш асосида такомиллаштирилган;

таълим воситалари ўқув босқичларини ташаббускорлик, ҳамкорлик, ўз-ўзини ривожлантириш касбий ва шахсий сифатлари ҳамда интуиция, кузатувчанлик, хотира каби психологик хусусиятларни диагностик даражалашга кўра интеграциялаш асосида аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

бўлажак бошланғич синф ўқитувчисини касбий компетентлигини ривожлантиришнинг мазмуни аниқланган, шакл, метод ва воситалари ишлаб чиқилган;

тадқиқот натижалари асосида бакалаврият таълим йўналишлари учун дидактик, креатив, интеллектуал, ижодий, касбий, эстетик, экологик компетенцияларни таълим жараёнига жорий қилишга қаратилган «Она тили ўқитиш методикаси» курси бўйича дарслик тайёрланган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчисини касбий компетентлигини ривожлантириш бўйича илмий асосланган методик тавсиялар шакллантирилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчисини касбий компетентлигини ривожлантиришнинг дидактик воситалари, талабаларга мотивация берувчи топшириқлар, ҳамкорлик технологияси асосида талаба интеллектуал салоҳиятининг ортиб боришига кўмаклашувчи усуллар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** муаммога педагогик ва психологик, методик ёндашув асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантириш ҳамда педагогик таълим соҳасидаги республикамиз, чет эллик олимлар, шунингдек, амалиётчи педагогларнинг ишларига асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор, шунингдек, сифат жиҳатидан таъминланганлиги; тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти асосланган маълумотлар, таклиф қилинган методика, тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган дастур, методик тавсиялар олий таълим муассасаларида таълим жараёни самарадорлигини ошириш, ўқув режа ва дастурларни такомиллаштиришда фойдаланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим муассасасида бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг ташкилий-методик ёрдамини ташкил этиш асосида мазкур жараённинг педагогик шарт-шароитларини амалга оширишдан иборат: ўрта ва олий касбий таълим тизимида фойдаланилиши мумкин бўлган, бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантириш самарадорлигини таъминловчи дидактик материаллар ва тавсиялар, “Шахсга йўналтирилган таълимда касбий компетентликни ривожлантириш” ва “Бўлажак бошланғич таълим ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантиришда она тили ўқитиш методикасини ўқитишнинг модуль-рейтингли тизимидан фойдаланиш” махсус курслари дастурлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантиришга оид тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:



таълим воситалари ўқув босқичларини ташаббускорлик, ҳамкорлик, ўз-ўзини ривожлантириш касбий ва шахсий сифатлари ҳамда интуиция, кузатувчанлик, хотира каби психологик хусусиятларни диагностика даражалашга кўра интеграциялаш асосида аниқлашга оид таклифлар асосида “Она тили ўқитиш методикаси” дарслиги ишлаб чиқилган (Олий ва ўрта масус таълим вазирлигининг 2020 йил 24 декабрдаги 89-03-5486-сон маълумотномаси). Натижада, олий таълим муассасалари талабаларини касбий компетентлигини ривожлантиришнинг методик таъминоти кенгайтирилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантириш структураси таълим мазмуни ва сифатига қўйиладиган малака талаблари ҳамда ижодий қайта ишлаш малакаларидан ташкил топган методик компетентликни киритиш орқали ривожлантиришга оид таклифлар А-1-123 рақамли “Бошланғич синф ўқитувчиси учун мультимедиали дарс ишланмалар мажмуасини яратиш” номли амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 24 декабрдаги 89-03-5486-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантириш жараёни самарадорлигининг ошишига эришилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси касбий компетентлигини ривожлантиришнинг методик таъминоти касбий фаолиятга йўналтирилган информацион ва аналитик мезонларини интеграл-диагностик элементлар натижаларини ташхис этиш шакллари билан интерактив моделлаштириш имкониятлари ҳамда амалий-технологик хусусиятлари уйғунлик кўрсаткичларини такрорий қайта алоқага киришув даражасини ҳисобга олиш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар асосида “Она тили ўқитиш методикаси” дарслиги ишлаб чиқилган (Олий ва ўрта масус таълим вазирлигининг 2020 йил 24 декабрдаги 89-03-5486-сон маълумотномаси). Натижада, таълим мазмунини такомиллаштириш ҳамда бошланғич синф ўқувчиларининг билим даражасини оширишга эришилган.

таълимда дидактик-коммуникатив муҳитга асосланган диалог мазмуни адаптив даражада ва шахсий функцияларни интеграциялаш ва узлуксизлигини таъминлашга имконият яратувчи инновацион-ахборот муҳитини индивидуал таълим дастурларини яратиш ҳамда таянч технологик ўқитиш воситалари комплексини педагогик амалиётда ўзаро трансформациялашувини самарали қўллаш асосида такомиллаштиришга оид тавсиялар А-1-123 рақамли “Бошланғич синф ўқитувчиси учун мультимедиали дарс ишланмалар мажмуасини яратиш” номли амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 24 декабрдаги 89-03-5486-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантириш имкони оширилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 8 та республика ҳамда 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, улардан, 3 таси республика ва 1 таси ҳорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 124 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Олий таълим муассасасида бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида «компетентлик», «касбий компетентлик», «ўқитувчининг касбий компетентлиги» тушунчаларининг талқини, уларнинг бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси касбий компетентлигини ривожлантиришдаги ўрни, бўлажак бошланғич синф ўқитувчисида касбий компетентликни ривожлантиришнинг илмий-назарий масалалари ва педагогик шартлари, шунингдек, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси касбий компетентлигини ривожлантиришнинг мавжуд ҳолати баён қилинган. «Компетентлик», «касбий компетентлик», «ўқитувчининг касбий компетентлиги» тушунчаларининг мазмуни ва моҳияти очиқ берилган ҳамда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш мазмунини такомиллаштириш ва ўқитишнинг педагогик имкониятларини ошириш талаблари ёритилган.

Н.А.Муслимов фикрига кўра компетентлик – мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олинишини назарда тутди.

Т.А.Крюкова, Н.М.Слаутиналар «касбий компетентлик» тушунчасини касбий фаолиятни, жумладан педагогик фаолиятни амалга оширишга кодирлик ва тайёрлик билан боғлайдилар.

Адабиётларни таҳлил этиш жараёнида, биринчидан, «компетентлик» тушунчасининг фалсафий ва психологик луғатлардаги талқини аниқланди ва

психологик-педагогик адабиётларда «компетентлик» ва «компетенция» тушунчаларининг таърифлари ўрганиб чиқилди. «Компетенция» ва «компетентлик» тушунчаларини фарқлаш учун мазкур тушунчалар атамалар луғатида, бошқарув бўйича атамалар луғати ва бошқаларда қандай ифодаланганлиги таҳлил қилинди.

«Компетенция» тушунчаси луғатларда муайян орган ёки мансабдор шахснинг қонун билан, мазкур орган устави ёки бошқа қоидалар билан белгиланган ваколатлари (ҳуқуқ ва мажбуриятлари) йиғиндиси ёки кимдир яхши хабардор бўлган масалалар соҳаси сифатида турлича талқин этилади.

Диссертацияда «Компетентлик», тушунчасига қуйидагича таъриф берилган.

“Компетентлик” – инсоннинг касбий, шахсий ва ҳаётий фаолиятининг фундаментал асосини ташкил этувчи билим, малака, кўникма, маҳорат, тажриба ва қобилиятларни ўзлаштириш ва амалда қўллашнинг энг олий чўққисидир.

«Касбий компетентлик» тушунчаси касбий фаолиятни, жумладан педагогик фаолиятни амалга оширишга қодирлик ва тайёрлик билан боғланди ва мазкур алоқадорликнинг қонунийлиги таҳлил қилинди.

Шу тариқа, тизимли, шахсга йўналтирилган ва компетентли ёндашув бирлиги бўлажак ўқитувчининг касбий компетентлигини ривожлантириш жараёнини ҳар томонлама тадқиқ этиш имконини яратади (1-расмга қаранг).



**1-расм. Бўлажак ўқитувчининг касбий компетентлигини ривожлантириш жараёни**

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантиришда касбий ва шахсий сифатлар (ташаббускорлик, ҳамкорлик, ўзини-ўзи ривожлантириш) ва психологик хусусиятлар (интуитция, кузатувчанлик, хотира) ни диагностик даражалашнинг моҳиятига ҳам тўхталиб ўтилди.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини ишлаб чиқиш учун, аввало, талабаларда касбий компетентлик ривожланганлигининг мезонлари, кўрсаткичларини белгилаш ва дастлабки даражаларини аниқлаш зарур. Мазкур вазифани ҳал этиш учун бошланғич синф ўқитувчиси касбий компетентлигининг асосий структуравий компонентларини аниқлаш талаб этилади. Аввало, бу йўналишда бошқа тадқиқотчилар томонидан нималар амалга оширилганлигини таҳлил қиламиз.

Масалан, С.Т.Турғунов ва бошқалар томонидан ўқитувчиларга қўйилаётган талаблар ва келтирилган маълумотларга асосланган ҳолда, ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини бир неча компонентлардан иборат

тизим сифатида, яъни ўқитувчиларда ривожланиши зарур бўлган тушунчалар, билим, кўникма ва малакалар, қобилият ва маҳорат, касбий аҳамиятга эга бўлган шахсий сифатлар ҳамда умуминсоний хислатлар орқали ифодалаш мумкин.

Мавжуд ишлар таҳлили бизга бошланғич синф ўқитувчиси касбий компетентлиги структурасидаги қуйидаги компонентларни ажратиш имконини берди: психологик-педагогик, касбий, методик ва шахсий компетентлик. Тадқиқот ишимизда ҳар бир компонентниг моҳияти очиб берилган.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожланганлигини белгиловчи мезонлар, даражалар ва кўрсаткичларни ишлаб чиқдик.

Тадқиқот ишларини амалга ошириш жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожланганлик даражасини аниқлашда муайян мезонларга таянилди (2-расмга қаранг).



**2-расм. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожланганлик даражасини белгиловчи мезонлар**

Ушбу мезонлар асосида респондент бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантиришга қаратилган жараён самарадорлигини бир неча даражалар бўйича баҳолаш квалитетрик жиҳатдан тўғри деб топилди ҳамда самарадорлик кўрсаткичлари “юқори”, “ўрта”, “паст” даражалар бўйича баҳоланди (1-жадвалга қаранг).

Кўрсатиб ўтилган мезонлар бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожланганлик даражасини аниқлашга имкон берди. Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожланганлик даражасини баҳоловчи методиканинг эмпирик таҳлилини батафсил ёритишнинг мақсадга мувофиқлиги аён бўлди.

**Бўлажак бошланғич синф ўқитувчисида касбий компетентликнинг  
ривожланганлик даражаси**

Ўқитувчиларда касбий компетентлик даражаси	Даража кўрсаткичлари	Балл
<b>Юқори Даража</b>	Касбий фаолиятга йўналганлик, фикрлаш равонлиги, мослашувчанлик, ўзига хослик, яратувчанлик кўникмаларининг мавжудлиги, компетенциявий сифатларининг ривожланлиги, она тили фанидан нутқий, лингвистик, рефлексив компетенцияларни ўрганишга нисбатан ижодий муносабат, креатив маҳсулотлар(ишланма)ларни яратиш қобилиятининг мавжудлиги	39-33
<b>Ўрта Даража</b>	Ўқитувчиларда касбий компетентлик фаолиятига нисбатан онгли муносабатнинг таркиб топганлиги, касбий билимларни эгаллашага оид назарий билимларнинг ўзлаштирилганлиги, ташаббускорлик, яратувчилик, кўникмалари, импровизация ва рефлексив қобилиятнинг ривожланлиги	32-28
<b>Қуйи даража</b>	Касбий компетенциянинг йўқлиги, қўрқув ва хавотир ҳиссининг юқорилиги, контрсуггестив, тезаррус ва интеракцион барьерларнинг мавжудлиги	27-21

Диссертациянинг “**Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш методикаси**” деб номланган иккинчи бобида бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий компетентлигини самарали ривожлантиришда шахсга йўналтирилган таълимнинг имкониятлари, бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг шакл, метод ва воситалари аниқланди ҳамда талабаларга дарс ишланмаларини яратиш методикаси юзасидан методик тавсиялар берилган. Она тили ўқитиш методикасига оид дастур асосидаги мавзуларга асосланган семинар-тренинг ишланмалари келтирилган.

Хусусан, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси касбий компетентлигини ривожлантиришнинг методик таъминотини такомиллаштириш масалалари, яни касбий фаолиятга йўналтирилган информацион ва аналитик мезонларни интеграл-диагностик элементлар натижаларини ташхис этиш шакллари билан интерактив моделлаштириш имкониятлари ҳамда амалий-технологик хусусиятлари уйғунлик кўрсаткичларини такрорий қайта алоқага киришув даражасини ҳисобга олишга ҳам алоҳида аҳамият қаратилди.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий компетентлигини самарали ривожлантиришнинг биринчи ва зарур шарт-шароитларидан бири мазкур жараёнда шахсга йўналтирилган таълимнинг имкониятларини аниқлаш ва фойдаланиш ҳисобланади. Маълумки, шахсга йўналтирилган таълим технологиясининг асосий принципи- ўқувчининг индивидуаллигини ва ўзига хослигини тан олиш, унинг ривожланиши учун зарур ва етарли шароит яратишдир. Ҳар бир ўқувчининг психологик хусусиятларини ҳисобга

олиб, индивидуал ишлаш учун ўқув жараёнини ўзгача ташкиллаштириш лозим бўлади.

Тадқиқот ишида шахсга йўналтирилган таълимга ўтишнинг асосий сабаблари деб қуйидагиларни танлаб олдик: бўлажак мутахассис тайёрлашнинг инсонпарварлик мақсадлари; касбий таълимнинг илгарилловчи хусусияти; бўлажак мутахассиснинг касбий муҳим сифатлари ривожланишининг зарурати (мустақиллик, масъулиятли қарорлар қабул қила олиш, ихтиёрий ишга ижодий ёндашув, коммуникативлик, ҳамкорлик қилиш қобилияти, ижтимоий ҳамда касбий масъулият ва ҳ.к.);

Тадқиқотда шахсга йўналтирилган таълимни анъанавий таълимдан фарқлайдиган процессуал хусусиятлари: ўқув фаолиятини ўйин, ҳаётий вазиятлар, ижтимоий ва техник ижод структурасига киритилишини кўзда тутувчи контекст таълимнинг устунлиги, ўқув жараёни иштирокчилари ўртасидаги диалог, ечимни излаш ва уни англаш; жараёнга йўналганлик (фаолият усули, услуби); индивидуаллик, шахсий фикрга ҳуқуқини тан олиш билан мулоқотнинг инсонпарварлиги; ҳамкорлик муносабатининг устунлиги, педагог ҳақиқий ҳаётий муаммоларни биргаликда ечишга, ўзини-ўзи ўзгартиришга тайёрлиги ўрганилди.

Диссертацияда ўқув-педагогик шахсий йўналтирилган вазиятни амалга оширишга имкон берувчи процессуал компонент сифатида “вазифа-диалог-ўйин” таянч технологик комплексни танлаб олинган ва у схемада турли даражали вазифалар; диалоглар тизими; имитацион ўйинлар сифатида ажратилган. Қолган икки таркибий компонент сифатида олий таълим муассасаси ўқитувчилари ва талабалари қатнашади ҳамда уларнинг ўзаро муносабатлари ўқув-педагогик шахсий йўналтирилган вазиятлар орқали ҳамкорлик ва доимий диалог шароитида содир бўлади.

Таянч-технологик комплекснинг биринчи ташкил этувчиси вазифалар бўлиб, уларнинг турли даражалилиги шахсга йўналтирилган таълимнинг қуйидаги тамойилларини амалга оширишга имкон беради: ўзини-ўзи актуаллаштириш тамойили – талабаларнинг ўз имкониятларини намоён этиш ва ривожлантиришга ундаш ва интилишларини қўллаб-қувватлаш; индивидуаллаштириш тамойили – талаба шахси индивидуаллигини ривожлантириш учун шароитлар яратиш; субъектлик тамойили – талаба ўқув фаолиятининг ҳақиқий субъекти ҳисобланади ўқув жараёнида субъектлараро ўзаро алоқа хусусияти устунлик қилади; танлаш тамойили – талаба доимий танлов шароитида таълим олади ва тарбияланади, ўқув-тарбия жараёни мақсад, мазмун, шакл ва ташкил этиш усулларини танлашда субъектив ваколатларга эга; ижодкорлик ва муваффақият тамойили – индивидуал ва жамоавий ижодий фаолият; ҳурмат, ишонч ва қўллаб-қувватлаш тамойили – талаба шахсини ҳурмат қилиш, унга ишониш, унинг ўзини-ўзи амалга ошириш ва ўзини-ўзи тасдиқлашга интилишларини қўллаб-қувватлаш.

Таянч технологик комплекснинг кейинги ташкил этувчиси – диалоглар тизими (ўқув диалоги, дидактик диалог, диалог-мунозара) ҳисобланади. Ўқувчилар билим ва уни эгаллаш жараёнининг янги шахсий мазмунини аниқлайдиган ўқув вазиятини яратишнинг муҳим омили ўқув фаолиятини диалог, ҳамкорликдаги тадқиқот, ҳамкорлик, жамоавий-тақсимланган фаолият кўринишида ташкил этиш ҳисобланади. Таянч технологик ўқитиш

воситалари комплексини педагогик амалиётда ўзаро трансформациялашувини таъминлашда ҳам диалоглар муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга таълимда дидактик-коммуникатив муҳитга асосланган диалог мазмуни адаптив даражада ва шахсий функцияларни интеграциялаш ва узлуксизлигини таъминлашга имконият яратувчи инновацион-ахборот муҳитини индивидуал таълим дастурларини яратиш ҳамда самарали қўллаш асосида такомиллаштириш масалалари ҳам долзарб эканлиги ёритиб ўтилди.

Таянч технологик комплекснинг учинчи ташкил этувчиси – имитацион ўйинли методлар ҳисобланади. Бу ҳолатда шахсга йўналтирилган ўқув-педагогик вазият ўзига хос ўйин сифатида ифодаланади, унинг мазмуни “ишдан” фарқли равишда, мақсадга эришиш эмас, балки ўз ижодий кучларини эркин ифодалаш, тор амалий мақсадлардан ҳоли равишда, амалий вазибаларни “ўйнаб” ҳал этиш имкониятида ифодаланади.

Бундай ўйинли вазиятда “бошқага нообъектив муносабат имконияти” юзага келади. Бу ўйин мотивациясининг ўзига хос ҳодисаси билан боғлиқ. Ўйин мотивацияси унинг ихтиёрийлиги, танлаш имконияти ва беллашув элементлари, эҳтиёжларни кондириш, ўз-ўзини тасдиқлаш, ўз-ўзини англаш билан таъминланади. Материални ўзлаштиришда биз имитацион ўйинли бўлмаган ва ўйинли ўқитиш методларини қўллашимиз орқали юқори самарага эришдик.

Диссертацияда шахсий-ривожлантирувчи таълимий вазият сифатида фойдаланилган, кўрсатилган “вазифа-диалог-ўйин” таянч технологик комплексдан кўриниб турганидек, унинг барча компонентлари ўзаро боғлиқ. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантиришда мазкур таянч-технологик комплексни амалга ошириш, олий таълим муассасасининг ўқув-тарбия жараёни ўз фаолиятининг шахсга йўналтирилган даражасига эришганлиги, яъни шахсга йўналтирилганга айланганлиги тўғрисидаги ҳақиқатни айтиш имконини берди.


Бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий компетентлигини самарали ривожлантиришнинг яна бир зарурий шартларидан бири, мазкур жараёнда “Она тили ўқитиш методикаси” ўқув фанининг шакл, метод ва воситалари ҳамда ушбу фаннинг педагог касбий фаолиятидаги ўрнини аниқлашдан иборатдир.

Тадқиқот ишимиз доирасида бошланғич синф ўқувчиларининг “Она тили” дастурини таҳлил қилдик. Ўқув дастурида қайд этилган ўқитувчилар томонидан ўқувчиларнинг билимларини ривожлантиришга қаратилган фанга оид компетенцияларни диссертацияда жадвал кўринишида акс эттирдик.

“Она тили ўқитиш методикаси” фанидан маърузада эгалланган билимлар талабалар томонидан қай даражада ўзлаштирилиши амалий машғулотларнинг қандай ташкил этилишига ҳам бевосита боғлиқдир. Амалий машғулот жараёнида талаба олган назарий билимларини, мактаб ҳаёти билан боғлаган ҳолда амалиётга татбиқ этади ва шу орқали унда касбий компетентлик ривожланади.

Таҳлилий мулоҳазалар ва назарий фикрлар, тамойиллар ва қонуниятлар ўрганилиб, тадқиқот ишимизнинг бошланғич таълим йўналиши

талабаларининг касбий компетенцияларини ривожлантириш модели ишлаб чиқилди (3 -расмга қаранг).



**3-расм. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида касбий компетенцияларини ривожлантириш модели**



Бу моделнинг мақсади шундан иборатки, бунда юқори даражали касбий компетенцияларга эга бўлган ўқитувчи тайёрлаш кўзда тутилган. Модел бир қанча хусусиятларни ўз ичига олади:

Биринчиси. Таълимда шахсга йўналтирилган ёндашувни амалга ошириш таълим натижасига урғу берадиган ёндашувдир. Бунда таълим натижаси ўзлаштирилган ахборотлар йиғиндиси эмас, балки шахсни турли муаммоли вазиятларда ҳаракат қилиш қобилиятидан иборат бўлади.

Иккинчиси. Касбий компетенциялар ҳозирги кунда инновацияларни татбиқ этиш учун креативликка боғлиқ бўлган инновацион таълим технологияларига асосланган касбий компетентли ўқитувчи фаолиятидаги ижодий қобилиятдир.

Учинчиси. Касбий компетенцияларни «Она тили ўқитиш методикаси фани тармоғида таянч компетенцияларни ривожлантириш» фани махсус курси асосида ривожлантириш жараёни олиб борилади.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантиришда имитацион ўйинли методлардан фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Бу ҳолатда шахсга йўналтирилган ўқув-педагогик вазият ўзига хос ўйин сифатида ифодаланади, унинг мазмуни “ишдан” фарқли равишда, мақсадга эришиш эмас, балки ўз ижодий кучларини эркин ифодалаш, тор амалий мақсадлардан ҳоли равишда, амалий вазифаларни “ўйнаб” ҳал этиш имкониятида ифодаланади.

Имитацион ўйинли машқлар (роллари ижро этиш, ўйинли лойиҳалаштириш) – фаол ўқитиш методи бўлиб, унинг фарқли хусусияти – фақат ўқитувчи учун аввалдан маълум бўлган муаммонинг тўғри ёки оптимал ечимининг мавжудлиги ҳисобланади. Имитацион машқлар кўпроқ маълум мутахассислар, ишчилар, раҳбарлар фаолияти эмас, балки фақатгина муҳит моделлаштириладиган имитацион ўйин мавқеига эга бўлади.

Роль ижро этиш усули оптимал ечими расмийлаштирилган методлар билан эришилиши мумкин бўлган алоҳида, етарлича мураккаб бошқарув ва иқтисодий масалаларни ечишда самарали бўлиши мумкин. Бундай масалани ечиш манфаатлари ўхшаш бўлган бир неча иштирокчилар ўртасидаги келишув натижаси ҳисобланади.

Шунинг тадқиқотда лойиҳалаш методининг бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантиришда педагогик имкониятлари ўрганилган. Лойиҳалаш методи ўқув фанларини ўрганишни сезиларли фаоллаштиради, бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг лойиҳа-конструкторлик фаолияти кўникмаларини ривожлантириш оқибатида уни янада самарали бўлишига имкон беради. Кейинчалик бу мураккаб касбий муаммоларни самарали ҳал қилишга ёрдам беради.

Диссертациянинг **“Тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш”** деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба-синов ишларининг ташкил этилиши, мазмуни, тажриба-синов натижаларининг математик-статистик таҳлили ва самарадорлик даражаси ҳақида фикр юритилган.

Тажриба-синов ишлари 2017-2020 йилларда, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти, Наманган давлат университети, Андижон давлат университетларининг 300 нафар талабалари ўртасида олиб борилди.

Тажриба-синов ишларини олиб бориш учин танлаб олинган олий таълим муасасаларининг талабалар контингенти ўрганиб чиқилди ва 3-4 курслар тажриба ва назорат гуруҳлари сифатида танлаб олинди.

Олинган натижалар асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожланганлик даражалари қуйидагича жадвал кўринишида умумлаштирилди (2-жадвалга қаранг)

### 2-жадвал

#### Бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожланганлик даражаларини умумий жадвали

Тажриба гуруҳи	Тажриба ва синов объектлари	Юқори	Ўрта	Қуйи	Жами
	Тошкент давлат педагогика университети	25	22	3	50
	Андижон давлат университети	36	29	10	75
	Наманган давлат университети	28	27	5	60
	Жами	89	78	18	185
Назорат гуруҳи	Тажриба ва синов объектлари	юқори	Ўрта	қуйи	Жами
	Тошкент давлат педагогика университети	14	23	23	50
	Андижон давлат университети	24	34	18	76
	Наманган давлат университети	17	18	30	65
	Жами	55	75	61	191

Жадвалдаги натижаларни таҳлил қилиниб синов ва назорат гуруҳлари таққосланди (3- жадвалга қаранг).


### 3-жадвал

#### Бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожланганлик даражаларини қиёсий таҳлили (сон ва фоизларда)

Гуруҳлар	Ўқувчилар сони	Ўзлаштириш натижалари (% да)		
		Юқори	ўрта	Қуйи
Тажриба гуруҳи	185	89 48	78 42	18 10
Назорат гуруҳи	191	55 29	75 39	61 32

3-жадвал натижалари тажриба гуруҳида касбий компетентлигини ривожлантириш бўйича ишлар самарали амалга оширилганини кўрсатади. Ўрта даражада тажриба ва назорат гуруҳларида бир хил кўрсаткич қайд этилди, юқори даража бўйича тажриба гуруҳларининг кўрсаткичлари назорат гуруҳиникидан анча фарқ қилиши кузатилди.

Юқоридаги жадвал маълумотларини таққослаш мақсадида қуйидаги диаграммани ҳосил қиламиз (4-расмга қаранг).



**4-расм. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожланганлик даражаси**

Диаграммадан кўриниб турибдики, тажриба синфидаги юқори ва ўрта кўрсаткичлар назорат гуруҳи кўрсаткичларидан юқори экан.

Юқоридаги натижаларга асосланган ҳолда математик статистик таҳлил қилиниб, тажриба яқунидаги статистик кўрсаткичларнинг ўрта қиймати, ўртача квадратик четланиш, танланма дисперсия, вариация кўрсаткичлари, Стъудентнинг танланма мезони, Стъудент мезони асосида эркинлик даражаси, Пирсоннинг мувофиқлик мезони ва ишончли четланишлари қуйидаги жадвалда акс эттирилди (4-жадвал).

**4-жадвал**

$\bar{X}$	$\bar{Y}$	$S_x^2$	$S_y^2$	$C_x$	$C_y$	$T_{x,y}$	$K$	$X_{n,m}^2$	$\Delta_x$	$\Delta_y$
2,38	1,97	0,4356	0,6091	2,04	2,86	5,86	367,34	31,4	0,09	0,11

Юқоридаги натижаларга асосланиб тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

Бизга маълум  $\bar{X}=2,38$ ;  $\bar{Y}=1,97$ ;  $\Delta_x = 0,09$ ;  $\Delta_y = 0,11$  га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{yco} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{2,38 - 0,09}{1,97 + 0,11} = \frac{2,29}{2,08} = 1,10 > 1;$$

$$K_{oob} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (2,38 - 0,09) - (1,97 - 0,11) = 2,29 - 1,86 = 0,43 > 0;$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезонини бирдан катталиги билан ва билиш даражасини эса баҳолаш мезонини нолдан катталиги орқали кўриш мумкин. Демак, тажриба-синов ишлари натижасида бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантиришга доир ўқувчилар билан олиб борилган тажриба-синов ишлари (13,6 % га) самарадор экан.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, тадқиқот давомида ўтказилган таҳлил ва педагогик шарт-шароитларни амалга ошириш олий таълим муассасасида шахсга йўналтирилган таълим жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантириш жараёнини асослаш имконини берганлигини таъкидлаш мумкин.

Юқоридаги статистик таҳлил шуни кўрсатадики, тадқиқот натижалари бўйича ўтказилган ва диссертацияда келтирилган статистик таҳлиллар тажриба-синов ишлари самарадор эканлигини ва бизнинг кўзлаган мақсадимиз тасдиқланганини кўрсатади.

## ХУЛОСА

1. Олий таълим муассасасида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш муаммосининг ечими, педагогика фанининг илғор ютуқларидан фойдаланиш, хусусан тизимли, шахсга йўналтирилган ва компетентли ёндашувлардан фойдаланишга, олий таълим муассасаси таълимий амалиётига замонавий ўқитиш методларини самарали жорий этишга ёрдам берувчи педагогик шарт-шароитлар аниқланган.

2. Олий таълим муассасасида шахсга йўналтирилган таълим жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантириш жараёни ва уларнинг ечими мазкур тадқиқот иши доирасида амалга оширилган.

3. Касбий компетентликни ривожлантиришнинг назарий ва амалий асосларини таҳлили ва бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий компетентлигининг ривожланганлиги даражаси, мезонлари, кўрсаткичларини аниқланган.

4. Бошланғич синф ўқитувчилари касбий компетентлигини психологик-педагогик, касбий, методик билимлар ва кўникмалар сифатида, уларни амалиётда қўллашга тайёрлик сифатида тушуниш доирасида психологик-педагогик, касбий, методик ва шахсий мезонларнинг ривожлантирилган.

5. Ўрганилган муаммонинг назария ва амалиётдаги ҳолатини инобатга олган ҳолда олий таълим муассасасида шахсга йўналтирилган таълим жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий

компетентлигини ривожлантириш жараёнининг педагогик шарт-шароитлари аниқланган.

6. Тадқиқотда ўқув-педагогик шахсий йўналтирилган вазиятни амалга оширишга имкон берувчи процессуал компонент сифатида “вазифа-диалог-ўйин” таянч технологик комплекси танлаб олинди ва у турли даражали вазифалар, диалоглар тизими, имитацион ўйинлар деб номланган ташкил этувчилардан иборат эканлиги аниқланган.

7. Диссертацияда касбий компетентликни ривожлантириш учун дарс ишланмаларини тузиш бўйича талабаларга мавзу юзасидан амалий топшириқлар ҳамда дарс лойиҳасини яратишда талаба фойдаланиши мумкин бўлган метод ва таълимий ўйинлар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган.

8. Тажриба-синов ишларидан олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезонини бирдан катталиги билан ва билиш даражасини эса баҳолаш мезонини нолдан катталиги орқали аниқланган. Тажриба-синов ишлари натижасида бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантиришга доир ўқувчилар билан олиб борилган тажриба-синов ишлари самарадор эканлиги кўрсатилган.

#### **Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди**

1. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантиришда педагогиканинг замонавий парадигмалари ва ривожланган чет эл таълими тажрибаларидан самарали фойдаланиш тизимини йўлга қўйиш

2. “Бўлажак бошланғич таълим ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантиришда она тили ўқитиш методикасини ўқитишнинг модуль-рейтингли тизимидан фойдаланиш” ва “Бўлажак синф ўқитувчисининг шахсга йўналтирилган таълимда касбий компетентлигини ривожлантириш” махсус курсларини республика миқёсида татбиқ этиш мақсадга мувофиқ.

3. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантиришга қаратилган ресурсларни (мустақил таълим, интернет форум, телеграм каналлари ташкил этиш) кўпайтириш талаб этилади.

4. Илмий жамоатчилик эътиборини бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантиришга қаратилган ўқув-услубий адабиётлар яратишга қаратиш зарур.



**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАМАНГАНСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**СОБИРОВА МАХМУДАХОН НЕМАТЖОН КИЗИ**

**РАЗВИТИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ  
БУДУЩЕГО УЧИТЕЛЯ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ**

**13.00.02 - Теория и методика образования и воспитания (педагогические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации доктора философии (PhD) ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Наманган – 2022**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.1.PhD/Ped1394.**

Докторская диссертация выполнена в Андижанском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен по адресам: в веб-странице Научного совета – [www.namdu.uz](http://www.namdu.uz), а также информационно-образовательном портале “ZiyoNet” – [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net).

**Научный руководитель:** **Абдуллаева Барно Сайфутдиновна**  
доктор педагогических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Аскарова Угиллой Мамашокировна**  
доктор педагогических наук, профессор

**Сафарова Рохат Гайбуллаевна**  
доктор педагогических наук, профессор

**Ведущая организация:** **Джизакский государственный педагогический институт**

Защита диссертации состоится 18 марта 2022 года в 14:00 часов на заседании Научного совета PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 при Наманганском государственном университете. (Адрес: 160119, г.Наманган, ул. Уйчи, 316. Тел.: (+99869) 227-06-12; факс: (+99869) 227-07-61; e-mail: [info@namdu.uz](mailto:info@namdu.uz))

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Наманганского государственного университета (зарегистрированной за №708). (Адрес:160119, г.Наманган, ул. Уйчи, 316. Тел.: (+99869) 227-06-12; факс: (+99869) 227-07-61; e-mail: [info@namdu.uz](mailto:info@namdu.uz))

Автореферат диссертации разослан 5 марта 2022 г.  
(реестр протокола рассылки №15 от 5 марта 2022 года)

**Т.Файзуллаев**  
председатель Научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
д.с.н., профессор

**Ш.К.Худжамбердиева**  
секретарь Научного совета по присуждению  
ученых степеней, (PhD) по  
педагогическим наукам, доцент

**К.М.Боймирзаев**  
председатель научного семинара при Научном  
совете по присуждению ученых степеней,  
д.г.н. (DSc), доцент



## **Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире в системе образования в практику внедряются креативные технологии развития профессиональной компетентности будущего учителя начальных классов. На основе Сорбоннской декларации (Sorbonne Declaration), "Образования для всех" (Education for All (EFA)), "Цели тысячелетнего развития" (Millennium Development Goals (MDGs)), "Всемирного образовательного форума" (World Education Forum) и Лиссабонской конвенции проводятся системные работы по определению основных направлений подготовки квалифицированных творческих кадров, развитию профессиональной компетентности студентов, воплощению в жизнь технологий эффективного использования дидактических, креативных, интегративных, творческих, профессиональных знаний.

Проводятся научные исследования по развитию профессиональной компетентности студентов высших учебных заведений мира, совершенствованию методики системной организации содержания профессиональной компетентности. Особое внимание уделяется научным исследованиям по повышению эффективности моделей совершенствования профессиональной компетентности, организации на основе инновационных методик и электронных образовательных ресурсов, выявлению педагогических возможностей, направленных на организацию образовательного процесса, развивающего профессиональную компетентность будущих учителей начальных классов.

В последние годы, в нашей республике, на современном этапе развития системы общего среднего образования создаются нормативно-правовые основы создания новой личностно-ориентированной модели начального образования, подготовки компетентных специалистов, способных самостоятельно и творчески решать профессиональные задачи для динамично меняющейся школы, интегрировать знания и педагогические навыки в различных ситуациях, готовых к творческому и профессиональному самосовершенствованию. Приоритетной задачей было определено "дальнейшее совершенствование системы непрерывного образования, расширение возможностей предоставления качественных образовательных услуг, продолжение политики подготовки высококвалифицированных кадров в соответствии с современными потребностями рынка труда". Это расширяет возможности развития профессиональной компетентности будущих учителей.

Данная исследовательская работа в определенной степени служит для реализации задач, обозначенных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года "О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан", № УП-5313 от 25 января 2018 года "О мерах по коренному совершенствованию системы общего среднего, среднего специального и профессионального образования". В постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-2909 от 20 апреля

2017 года “О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования” и № ПП-3775 от 5 июня 2018 года “О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах”, и других нормативно-правовых актах, относящихся к данной деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан.** Данная исследовательская работа выполнена в рамках приоритетного направления развития науки и технологий Республики I. “Формирование и способы реализации системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном и образовательном развитии информационного общества и демократического государства”.

**Степень изученности проблемы.** Исследования по различным проблемам профессионально-педагогической подготовки будущих учителей проводили Б.С.Абдуллаева, Р.Х.Джураев, У.И.Инаятов, Н.А.Муслимов, Х.Ф.Рашидов, У.К.Толипов, Ш.С.Шарипов, З.К.Исмаилова, К.Т.Алимов, Н.Ш.Рузикулова, М.И.Ташпулатова, М.Б.Уразова, Дж.А.Хамидов, Д.О.Химматалиев; по вопросам развития знаний учащихся на уроках родного языка старших классов общеобразовательных школ Р.Г.Сафарова, У.Машарипова.

О из стран Содружества независимых государств А.Абдулина, Е.М.Борисова, Е.Ф.Зеер, И.А.Зимняя, Н.В.Кузьмина, М.И.Лукьянова, А.С.Маркова, С.Н.Мироненко, В.А.Сластенины осуществили исследовательские работы по применению педагогических технологий при формировании и развитии профессиональной компетентности.

В исследованиях ученых из зарубежных стран, таких как Г.Спенсер, В.Blum, Р.Mohan, особое внимание уделено творчеству в образовании, развитию профессионального потенциала педагогов, вопросам компетентности, проблемам профессионально-педагогической зрелости, развитию, а также теории развития и практическим направлениям навыков использования педагогического программного обеспечения.

**Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательской работы высшего учебного заведения, в котором выполнена диссертация.** Диссертационное исследование выполнено в рамках комплексного исследования ОТ-Ф1-17 на тему "Социально-педагогическое исследование активности личности при предотвращении духовного отчуждения", плана научно-исследовательских работ Андижанского государственного университета (2017-2020 гг.).

**Целью исследования** является разработка предложений и рекомендаций по развитию профессиональной компетентности будущего учителя начальных классов.

**Задачи исследования:**

анализ педагогических возможностей структуры развития профессиональной компетентности будущего учителя начальных классов;

